



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

**PEDIATR**

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

№ 3-4 (880-881)  
15-Fevral, Juma  
2019-yilTOSHKENT PEDAISTRYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI  
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО  
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТАGazet 1974-yil  
mardan chiqqa  
boshlagan

## ИНСОНИЙЛИКДАН САБОК

**Б.Т. Даминов**  
**ТошПТИ ректори,**  
**халқ депутатлари**  
**Тошкент шаҳар кенгаши**  
**депутати**

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан бой тарихий меросимиз, улуғ аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини теран ўрганишга эътибор ва қизиқиш кучайиб бормоқда. Буюк аждодларимиз шахсиятининг ибратларини ёшларимиз онгига мунтазам сингдириб бориш, қадриятларимизни қадрлаш билан бирга ёшларнинг буюк шахслардаги энг гўзал фазилатлари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек уларни халқ оғзаки ижодида ёки бадиий адабиёт акс этирувчи асарларни мутолаа қилишлари том маънодаги ватанпварликни ўйготишка, дунёкарашининг кенгайишида зарур сабоқ бўлади ва илм-фанга бўлган қизиқишини кучайтиради, инсонпарварликдан таълим беради. Куни кеча таваллуди нишонланган бобокалонларимиз Алишер Навоий, Бобур Мирзолар ва заминимиздан етишиб чиккан барча буюк алломалар: ўз илми билан дунёни ларзага солган ҳадис илмининг сultonи Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, алгебра фанига асос солган Мусо ал-Хоразмий, «Астрономия асослари» фундаментал оламнинг тузилиши, ернинг ўлчами ҳақида дастлабки маълумотларни IX асрда бера олган Аҳмад Фарғоний, улуғ қомусий аллома, биринчи бўлиб Ер шари глобусини яратган Абу Райхон Беруний, «медицина отаси» деб тан олинган Абу Али ибн Сино, «Шарқ Аристотели» деб ном олган буюк аллома Абу Наср Фаробий, 1018 та юлдузнинг ҳолатини ва жойлашувини XV асрда баён қилиб берган Мирзо

Улуғбек ва бошқалар ҳақидаги бадиий ва фольклор асарлар бой тарихимиздан ҳам сабоқ беради.

«Агар мен бошқаларлардан узокроқ кўраётган бўлсанм фақатгина буюк шахслар елкасида турганим учундир», – деган экан Исақ Ньютон.

Улуғ аждодларимиз авлоди бўлган бугунги ёшлар қалбида миллий ғурур, ватанпварварлик, жасурлик, меҳр-оқибат туйгуларини мустаҳкамлашдаги буюк боболар ибрати асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Шундай асарлар ёшларимизда улуғ аждодлар ва ўз она юртига бўлган хурмат-эҳтиромни кучайтиради.

Таълим ва тарбияни узвий олиб бориш имкониятини яратади. Хусусан, М.Қориевнинг ибн Сино ҳақида йирик насрый асари бу буюк алломанинг табиблик нафақат иқтидор, балки улкан меҳнатни талаб қилишини, табиб ҳар бир ҳолатда: чўлу биёбонда, кувгинда ва зинданда ҳам атрофидагиларни даволашга, уларнинг ҳаётларини узайтиришга, доимо босик ва мулоҳазали бўлиб, ўзини қўлга ола билиш ва касалга аник ташхис қўя олиши кераклигини инсон қалбига етиб борадиган таъсирчан бадиий воситалар орқали етказиб беради. Оғир шароитлар ва қийин вазиятлар агар инсоннинг иродаси кучли бўлса, уни синдира олмаслигини намоён қиласди. Ойбекнинг бобокалонимиз Алишер Навоий ҳақидаги романи, Ўйғун, Иззат Султонларнинг драмаси, М.Шайхзоданинг Мирзо Улуғбек драмматик асари, П.Қодировнинг Заҳиридин Мухаммад Бобур ҳақидаги «Юлдузли тунлар» романи ва бошқа кўпгина асарлари шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган асарларда буюк инсонларнинг илмга, адабиётга, санъатга бўлган қизиқишилари, уларнинг бунёдкорлик ишлари қи-

зикарли драмматик сюжетлар орқали баён қилинади. Инсоннинг буюклиги унинг эгаллаб турган лавозими ёки касби билан эмас, ўзидан кейин қолдирган эзгу ишлари билан ўлчанишидан далолат беради. Жумладан, ўзга юртда ҳукмронлик қилган шоҳ ва шоир Бобур ҳаёти ҳам бунга мисол бўла олади. 12 ёшида таҳтга ўтирган Бобурнинг кечинмалари, она юртига бўлган соғинч меҳри, қолдирган мероси, бунёдкорлик ишларидан ибрат олиш мумкин.

А. Навоий асарларининг асосида идеал инсон орзузи яққол кўринар экан, улар бугунги ёшлар тарбияси учун нечоғли аҳамиятли эканлигини ҳис қиласди. Ушбу улуғ инсонларнинг эзгу ниятлари хатто афсоналарга кўчган. Мана улардан бири

- А.Навоий ҳазратлари Самарканда ўқиб юрган кезлари Бухорони зиёрат қилиш учун карвонлар орқали дўстлари билан Бухорога йўл олиб, Карманадан ўтиб, Малик работга келиб дам олибдилар. Яна Бухоро томон йўлга тушишганда буюк шоир чўлу сахроларни кузатиб, ўйга толибдилар ва: «Қани энди менинг Фарҳодларим, Шириналарим шу бепоён чўлу сахроларга келиб, шу жойларни обод қиласалар. Сув чиқариб, боф-роғлар барпо қиласалар, иморатлар, йўллар, масжид мадрсалар, шифохоналар барпо этсалар, сахролар ўрнида гўзал бир юрт бунёд бўлса», - деб орзу қиласланлар. Ҳа, бобокалонимиз айтган буюк орзу амалини топмоқда.

Хозирги кунда юртимизда Муҳтарам Президентимиз томонидан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳам айнан шундай буюк фикрлар эгалари – буюк аждодларимиз орзуларининг амалидир. Ёшларимиз эса ўша буюк аждодларимиз ҳақидаги билимларини бойитиб, улардан ўз юртига фидоийликни, инсонийлик сабоқларини олиб яшасалар бас.

## ЁШЛАР ХУҚУҚЛАРИ ТҮГРИСИДА

20 февраль куни Тошкент Педиатрия тибиёт институти мажлислар залида БМТнинг «Ёшлар хуқуқлари түгрисида»ги конвенция лойихаси тарғиботи бўйича тадбир ўтказилди.

Уни Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М.А. Ахмедова бошлаб бердилар ва тадбир иштирокчиларини таклиф этилган меҳмон-мутахассислар билан таништирилар.

Республика Адлия вазирлигининг Юнусобод тумани адлия маслаҳатчиси Н.Х. Пўлатов БМТнинг «Ёшлар хуқуқлари түгрисида»ги конвенция лойихасини тарғиб қилиш бўйича ҳозирги кунда барча олий ва ўрта таълим муассасаларида тарғибот тадбирлари, учрашувлар ташкил этилаётганини айтди ва ушбу конвенциянинг мазмун-моҳияти ҳакида маълумотлар бериб ўтди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш түгрисида»ги Фармони моҳияти ва аҳамияти ҳакида гапирди.

Маълумки, жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириб бориш конун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий хукуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда хуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон хукуқ ва эркинликларига хурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг хуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, хуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, хуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилиши керак. Узоқ йиллар давомида бу маъсала хуқуқни муҳофаза қилувчи ор-

ганлар ва айрим давлат органлари-нинг иши сифатида қараб келинган. Бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланиши айникса зарур.

Ёшларнинг хуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан хуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда коёнуларга ва одоб-ахлоқ коидала-



рига хурмат, миллий қадриятларга садоқат, хуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотишишига комплекс тарзда ёндашиш ҳам бугунги кун учун муҳим.

Аҳолининг хуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларнинг амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш foяларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аҳолининг хуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф карорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши холатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташкари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараккиёт

даврида аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илгор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибалиридан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишида хуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни заарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам хуқуқий иммунитетни шакллантириш зарур.

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М.А. Ахмедова юртимизда сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилётгани, бу ўзгаришлар инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, одил судловга эришиш, хукукни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштиришга каратилгани ҳакида сўзлади.

Фалсафа кафедраси доценти Н.Э. Муҳаммадиев жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишида олиб борилишига алоҳида эътибор қартиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш foяларини кенг тарғиб қилиш зарурлигига тўхталди.

Тадбир давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга муҳахисс томонидан тўлиқ ва батафсил жавоб олдилар.

**М.А. Ахмедова**  
**Ёшлар билан ишлаш бўйича**  
**проректор**

# КОРРУПЦИЯ – ИЛЛАТ

7 февраль куни Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг мажлислар залида «Таълим муасасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.

Уни ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М.А. Аҳмедова очик деб эълон қилди ва сўзни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси подполковниги Ш.Р. Қобиловга берди.

Ш.Р. Қобилов жорий йилнинг 9 январь куни қабул қилинган «Хуқукий онг, хукукий маданиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармон ҳакида гапирдилар, сўнг сўровномалар натижаси билан таништирилар.

Ижтимоий фикр маркази билан ҳамкорликда сўров ўтказилганда 2016 йил коррупция мавжудми, деган саволга 67% тасдиқ жавобини берган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30% гача тушган. Қайси соҳаларда коррупция кенг тарқалган деган саволга 37% таълим соҳасида, 34% соғлиқни сақлашда, 24-25% хуқуқни муҳофаза қилиш органларида деган жавоб олинди.

Бу эса жуда ачинарли ҳолат дегани. Таълим соҳасида кенг кўламили ишлар олиб борилмоқда, лекин таълим сифати бўйича ишларимиз мақтанишга арзигулик эмас. Сиз ўз ишингизни пора билан ҳал бўлишини афзал кўрасизми деган саволга 34% ижобий жавоб берган, чунки улар сарсон-саргардан бўлиб юришдан безор бўлишган, бу майший коррупция дейилади. Бизда сиёсий коррупция йўқ. «Халк сўзи» газетасининг яқинда чиққан бир сонида 103 та ишда пора берман ишимни битир, деб мурожаат қилишган, 77% ички ишлар органларига пора таклиф қилинганлиги ёзилган. Бу аниқланган маълумотлар.

Бироқ шу билан бирга яшаш тарзини қийинлаштирадиган, инсонни турли қийинчилик, муаммоларга дуч қиласидиган ҳолатлар ҳам учраб туриди. Порахўрликни

ўзида мужассам этган КОРРУПЦИЯ атамаси шулар жумласига киради. Хўш, коррупция ўзи нима? Коррупция – лотинча айланиш, порага сотилиш, деган маънога эга. Коррупция-мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган хуқуқларни шахсий бойиши мақсадларида бевосита суистемол қилишидир. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейилади. Коррупция давлат аппарати ва парламент фаолиятида айниқса авж олади. Сайланадиган лавозимларга номзодлар сайлов компаниясини ўтказиш харажатларини кўтариш коррупция кўринишларидан биридир (сайланган киши турли имтиёзлар, ёрдам, хизматлар кўрсатиб «ўз қарзини» қайтаради).

Оила – маҳалла-таълим муасасаси ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйган холда ёшларни хуқуқ фани дарсларида хуқукий саводхонлигини ошириши, бўш вактларини кўпроқ кутубхоналарда ўтказишларини йўлга қўйиши лозим. Зеро оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш, ёшларнинг бўш вактларидан мазмунли фойдаланиши уларнинг юрт равнақининг ривожланишига ҳисса қўшадиган комил фарзандлар бўлиб етишишига хизмат қиласиди.

Маъруза сўнгига подполковник Ш.Р. Қобилов ТошПТИ Ёшлар билан ишлаш бўйича проректори М.М. Аҳмедовага «Коррупцияга карши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари» номли китобни совға қиласди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси эксперт маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Ж.Т. Шермуҳаммедова коррупцияга карши курашишнинг асосий тамойилларига тўхтадилар. Булар қонунийлик, фуқаролар хуқуклари ҳамда эркинликлари ва қонуний манбаатларининг устуворлиги, очиқлик ҳамда шаффоффлик, тизимилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, жавобгарлик-

нинг муқаррарлиги каби хуқукий нормалардир.

Хужжатда аҳолининг хуқукий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, бу иллатга оид хукуқбузарликларни ўз вактида аниқлаш, уларга чек қўйиш, оқибат, сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш каби хуқукий нормалар ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қилиб белгиланган.

Қонуннинг 2-бобида ушбу фолијатни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда ташкилотлар ва уларнинг ваколатлари белгиланган. Ушбу бобнинг 8-моддасида эса Коррупцияга қарши курашиш идоралараро комиссияларининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг мақсад ва вазифалари ҳакидаги хуқукий нормалар мавжуд.

Тадбирда бъзи ОТМларда содир этилган хукуқбузарлик, таъмагирлик ҳолатлари тафсилотлари изоҳланди, бундай нохуш ҳолат институт жамоаси ўртасида учрашининг аянчли оқибати нафакат талабага, балки унинг оила аъзолари, институт, қолаверса жамият учун заарли эканлиги тўғрисида тушунтирилди.

Ж.Шермуҳаммедова барчани Мухтарам Президентимиз яратиб берган шароитлар, имкониятлардан фойдаланиб Ватанга, ота-онага, ҳалқимизга, буюк келажакни барпо этишга ўз ҳиссасини қўшадиган, ҳалқ учун, миллат учун керак бўлса жонини фидо қилувчи инсонларни тарбиялашимиз лозимлиги, ҳалқимиз энг улуғ мутаффакирлар, олимлар, сохибқиронлар авлоди эканлигини ёшлар онгига сингдиришдан чарчамасликларини, дунё талабларига жавоб берадиган мутахассислар, профессорлар, арбоблар этиб тарбиялаш зарурлигини айтиб ўтдилар.

Тадбир сўнгига талabalар ташриф буюрган маърузачиларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди, саволларига тўлақонли жавоблар олишиди.

**A.Худайбердиев**

## ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ТАДБИР



2019 йил 4 февраль куни Талабалар турар жойида яшовчи талабаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигиги оширишга қаратилган тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М.Аҳмедова, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А.Худайбердиев, Мураббийлар кенгаши раиси, 1-Педиатрия факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари С. Бегманов, 2-Педиатрия факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари М. Алимова, Ахборот-ресурс маркази ходимлари, ТТЖ тарбиячи-педагоглари М. Акбарова, Б. Курдошев ва О.Жумаев ҳамда барча талабалар иштирок этилди.

Кун тартибидаги мавзу бўйича Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М.Аҳмедова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга килган мурожаатномасининг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган асосий устувор вазифалар тўғрисида тақдимотини намойиш қилди.

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А.Худайбердиев сўзга чиқиб, талабаларнинг сиёсий дунёкарашини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 20-22-январь кунлари Германия Федератив Республикасига килган давлат ташрифи тафсилотлари ҳақида ҳамда худудларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари, йирик лойихалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2019 йил 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифининг асосий тафсилотлари ҳақида сўзлади.

1-Педиатрия факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари С.А.Бегманов институт гурух мураббийлари талабалар билан доимий ҳамкорликда ҳамфирқ бўлиб фаолият олиб бориши таъминланаётгани ҳақида маълумот берди. Ижарада яшовчи талабалар билан турар жойларига бориб яшаш шароити билан танишиб, қўни – қўшнилари, яқин қариндошлари билан ҳамда ТТЖда турувчи талабаларнинг шароитларини мунтазам кўриб, танишиб борилаётган ҳақида гапириди.

2-Педиатрия факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари М.Алимова сўзга чиқиб, йиғилганларни мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаолияти ва функциялари, «Ёшлар келажагимиз» давлат дастури ҳамда институтда ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан таниширди.

АРМ ходимлари томонидан институтнинг замонавий ахборот ресурс марказида талабаларнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти оширишга хизмат қилувчи янги адабиётлар ва шарт-шароитлари ҳақида маълумот берилди.

*А.Худайбердиев*

## АТРОФИМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Биз яшайдиган уйимиз хонадонларидан бирида ёлғиз аёл яшайди. У асал сотиб тириклик қиласди. Бир куни уйга кириб келаётганимда подъезд эшигига илинган ёзувни кўрдим. «Хурматли қўшнилар. Мен бир банка асалимнинг пули-35мингни йўқотиб қўйдим. Кимда – ким топиб олса қайтаришингизни сўрайман».

Бу ёзув бир неча кун осиғлик турди. Бир куни опам билан уйга қайтаётганимизда шу ёзувни кўриб, қўшнимиз ҳали ҳам пулини топмаган экан, шу пулни топиб олдик, деб берақолайлик деган қарорга келдик. Ҳатто ишонарли бўлиши учун уни қаердан топиб олганимизни ҳам ўйлаб қўйдик.

Аста қўшнимизнинг кўнғироғини чалдик. Бизни оstonада кўрган аёл ичкарига таклиф қилди. Биз эса бир-биримиздан ўзиб пулни топиб олганимизни айтдик ва 35 минг сўмни унга узатдик.

Қўшнимиз кулиб юбордилар ва пулни олмасликларини айтдилар.

Уларнинг гапларига кўра биз 35минг пул топиб олдик, деб келганларнинг олтинчиси эканмиз. Улар шундай ажойиб, меҳрли инсонлар орасида яшаётганиларидан баҳтиёр эканларлари ҳақида сўзлаганларида кўзлари ёшга тўлган эди.

*Шодона Абдуазизова,  
1-Педиатрия факультети 109-гурух талабаси.*

## ЭГАМБЕРДИЕВА ДАНО АБДИСАМАТОВНА

*Тошкент Педиатрия тиббиёт институти факультет  
ички касалликлари, касб касалликлари, ХДТ, госпитал  
ички касалликлари ва ИКП кафедрасининг докторантура  
1-босқич докторант изланувчиси*

**Газетамизнинг бу сонида биз докторантимизга қўйидаги  
саволлар билан мурожаат қилдик:**

1. Сиз олиб бораётган илмий-тадқиқот шинининг мақсади нимада?
2. Сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморлар сонининг ошиши сабаби нимада?
3. Сурункали буйрак касаллигини даволашида қандай долзарб тиббий ва иқтисодий муаммолар мавжуд?
4. Сурункали буйрак касаллигини ташхислаш янги стратегияларидағи омиллар қайсилар?
5. Диссертация шининг инновацион янгилиги нимадан иборат?

1. Ишимнинг мақсади сурункали буйрак касаллиги бор беморларда диализдан олдинги босқичларида метаболик ўзгаришдар инобатга олинган ҳолда, мазкур касалликнинг кечишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида, патофизиологик ўзгаришларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш, чап бўлмачанинг функцияси, эндотелиал функцияси, тизимли яллигланиш ва артериал қон босимининг суткали профилини ўрганиш, шунингдек, сурункали буйрак касаллиги кечишига таъсир этувчи айрим фармакологик усуллар таъсирини ўрганишдан иборатdir.

2. Охирги вақтда сурункали буйрак патологияси билан касалланган беморлар сони ниҳоятда ошиб бориши кузатилмоқда. Бу аввало қандли диабет билан касалланишнинг ортиши, кексалarda буйракнинг томир табиатли шикастланиши беморлар сонининг ўсиши билан белгиланади.

СБК тарқалиши эссенциал гипертензия ва қандли диабет каби ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар билан бир хил хисобланади. Ўрта ҳисобда буйракнинг шикастланиш белгилари ёки коптокча фильтрацияси тезлиги бироз пасайиши умумий ахолининг ҳар 10 кишидан бирида кузатилади. Бунда бир-бирига ўхшаш кўрсаткичлар юкори хаёт тарзли саноатлашган мамлакатларда ҳам, ўрта ва паст даражада фойда кўрувчи энди ривожланаётган аҳоли бўлган мамлакатларда ҳам кузатилди.

3. Россияда ўтказилган СБК популациян эпидемиологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, таърифланаётган муаммолар Европа, Осиё ва Америка каби ривожланган

мамлакатлардан кам бўлмай турибди ҳамда уларнинг тарқалиши ҳам эрта ва кечиккан босқичларда етарли даражада юқоридир.

Шуни таъкидлаш жоизки, терминал буйрак етишмовчилиги (ТБЕ) билан касалланган беморлар сонининг ўсишига узок вакт мавжуд бўлган терминал буйрак етишмовчилигининг иккиласи олдини олишга қаратилган ёндашиш таъсир қилди, шу билан бир вақтда эса буйрак тўқимасида патологик жараённинг авж олишини секинлаштирувчи диализдан ташқари усуllibардан фойдаланиш зарурати туғилмади.

Шундай қилиб, буйрак патологиясининг икки хил – тиббий ва иқтисодий аҳамияти ўз вақтидаги ренопротектив даволашнинг соғлиқни саклаш амалиётида кенг қўлланилиши ва ишланиши учун мухим бўла олади.

Сурункали буйрак касаллиги кенг тарқалганлиги, юкори ўлим кўрсаткичи, хаёт сифатининг кескин пасайиши ва даволашнинг кўп маблағ талаб қиласиган ўрин босувчи усуllibарини қўллашнинг зарурлиги боис мухим аҳамиятга эгадир.

4. XX ва XXI юз йилларда тиббий илм ва фармакологиянинг ривожланиши буйрак дисфункциясининг авж олишини бироз сеқинлашувига олиб келувчи, асоратлар ривожланиш хавфини ва даволаш харжини пасайтирувчи, касалликнинг олдини олишга қаратилган юкори самарали ҳамда нисбатан ҳаммабоп асосларни ишлашга асос бўлди. Бундай ёндашишлар сабабидан катъий назар буйрак патологияси бор кўплаб беморлар учун қўл келди.



Ушбу кўнинмалар сурункали буйрак патологияси оғирлигини стратификация ва нозологик талқин қилинишига нисбатан янги стратегияларни соғлиқни саклаш тизимлари томонидан талаб қилади.

Ўзбекистонда охирги вақтгача Н.А. Лопаткин ва И.Н. Кучинский бўйича тасниф кенг қўлланилади (1973). СБК амалдаги таснифининг асосий критерийси СБЕ нинг аввалги таснифидан фарқли равишда коптокча фильтрация тезлиги хисобланади, бу эса таснифни умумий амалиёт шифокорлари томонидан қўлланилишини енгиллаштиради. Ушбу тасниф нафақат диализга/буйракни кўчириб ўтказишига муҳтожларни аниқлаш, балки нефропротектив даволашни эрта бошлашни таъминлади.

5. Ҳозирда юртимизда инновацион технологияларга катта аҳамият берилиб, жадал ривожланаётган пайтда, ўтказилаётган илмий тадқиқотларда ҳам инновация мухим ўрин тутиши лозим. Бизнинг илмий ишимиш сурункали буйрак касаллигини янги даволаш стратегияси мазкур касалликни имконият борича тезроқ бошлашга чакиради. Яъни нормал коптокчалар тезлигида ҳам авж олувчи буйрак касалликлари маркёрлари аниқланган заҳоти даволашни бошлаш лозим. Бундай ҳолда коптокчалар фильтрацияси тезлиги пасайишининг олди олинида ва бемор диализга ўртача ҳолда 4 йил кечроқ келиш имконияти туғилади. Бу ҳолда, йилига гемодиализ бўлимига 100 бемор эмас, балки 25 бемор келади. Бундан ташқари, бемор етарлича коптокчали фильтрации тезлигига эга бўлиб, юрак-қонтомир хавфи анча пасаяди.

## ONA TILIGA BO'LGAN HURMAT QAY DARAJADA?

Ona tili – bu ismimiz azon bilan aytildi, onamiz allasi va mehri ni so'z orqali ifodalagan, yoru-bi-rodarlarimizga yaxshi gaplarimizni aytgan, Alloh bergen ne'matdir.

Hammamiz bilamizki, o'zbek tilimiz oltoy tillar oilasi, turkiy tillar turkumiga kiruvchi tildir. Bu tilda Mahmud Koshg'ariyning «Devoni lug'otut-turk», Alisher Navoiyning «Xamsa» si va boshqa buyuk bobolarimizning ko'plab asarlari ham yozilgan. Shu o'rinda savol tug'iladi: biz yoshlari ona tilimizni hozirgi kunda bobolarimiz kabi butun dunyoga tanita olayapmizmi?

Tibbiyot sohasidagi ko'pchilik ilmiy kitoblar hattoki Internet tar-mog'idagi elektron kitoblar, ilmiy asarlar, maqolalar ham rus va ingлиз tillarida, tibbiyotda ishlatiladi-gan texnika va dasturlar tili ham rus va ingiliz tillarida, ammo nima uchun shunday degan savolni o'zimizga berdikmi? Qachon boshqa davlatlarning yoshlari ham bi-

zning kitob va asarlarimizni o'zbek tilida o'qishadi? Buning uchun nima qilish lozim?

Buning uchun avvalmbor ona tilimizni chuqur o'rganishimiz, shunday chiroqli so'zlashishimiz kerakki, yonimizdag'i insonlar lol qolsin. O'z ona tilini mukammal bilgan, bu tilda tafakkur tarzi turg'unlashgan, bu til ohanglaridan huzur tuya biladigan odamgina boshqa tilni o'rganishi va ayni paytda boshqa tilning, begona madani-yatu mentalitetning quliga aylanmaydi.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida 1997-yil 29-avgustda so'zlagan nutqida ulkan bir haqiqatga e'tibor bergen: «... Shunga alohida urg'u berishimiz zarurki, chet tillarini o'rganish minba'd ona tilini esdan chiqarish hisobi ga bo'lmasligi lozim».

Biz agar tilimizni tibbiyot bi-lan bog'laydigan bo'lsak, inson asab tizimidagi hujayralarni tiklash

borasida, a'zolar plantatsiyasi, odam umrini uzaytrish sohasida-gi, texnika dasturini o'zbek tilida bo'lishi hali o'z yechimini topma-gan. Biz mana shu muammolarni hal qilib, shu narsalar haqida ilmiy asarlar, izlanishlar o'tkazib, maqolalar yozsakkina, sabr va matonat bilan chin dildan harakat qilsakkina boshqa mamlakat yoshlarni qiziqtra olamiz. Ular nafaqat ilmiy asarlarimizni o'qiydi, balki ona tilimizni o'rganishga harakat qilishadi. Nafaqat tibbiyot sohasida, sport, ijtimoiy, texnika sohalarda ham kuchli yuksalish bo'lsa, tilimizda ham yuksalish bo'ladi. Ona tilimiz dunyo tillari orasida yuqori mavqega ega bo'ladi. Unga bo'lgan hurmat va e'tibor ortadi.

Hamma sharoitlar yaratilgan bir davrda Prezidentimiz aytgan so'zları bor «.... Harakat qilishimiz kerak, mehnat qilishimiz kerak!!!»

*Ramazon A'zamov  
Davolash fakulteti  
108-guruh talabasi*

## ДАҲОЛАР ИБРАТИ

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Мир Алишер Навоий ҳамда адолатпарвар шоҳ, саркарда, шоир Захириддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кунлари муносабати билан институтимизнинг «Фармакология ва физиология кафедра»си асистенти М.С. Акбарова бошчилигига 108-Тиббий-педагогика факультети талabalari иштирокида «Буюк даҳолар юртида» номли тадбир ўтказилди. Тадбирда кафедра мудири, кафедра ўқитувчilari ва Тиббий-педагогика факультети талabalari иштирок этдilар. Тадбирни «Фармакология ва физиология кафедра»си мудири профессор С.Д.Аминов бошлаб бердилар.

Мазкур тадбирда икки буюк шахс сиймоси, Алишер Навоий бобомиз ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаётлари, адабиётимизга қўшган хиссалари, ҳозирги авлод тарбиясида бу буюк шахсларнинг ўрни тўлиқ баён этилди.

108-гурух талabalari икки гурухга: Алишер Навоий ҳамда Захириддин Муҳаммад Бобур гурухлariiga бўлиниб, ҳар бир гурух буюк бобокalonlarimiz fазаллари, ruboilalari, ular ёзган асарлariidan намуналар ўқидilar, ҳаёт йўллariiga aloxiда тўxtалиб ўтдilar.

Гурух талabalariidan Азизжон Элмурадов – Алишер На-воийning, Farrokh Xolliiev

– Бобур Мирзо образларини яратиб, sahnaviy kўriniishlarda akc ettiридilarni. 108-Tibbий-pedagogika fakulteti talabasi Munisa Karimova bуюк mutafakkir bobomiz хотирасига бағишилаб ёзган шеърини ifodali ўқиб бериб, даврагa fajz бағишилади.

*M.C. Akbarova  
Tojikent Pediatriya  
tibiboyt instituti  
Farmokalogiya va  
fiziologiya kafedrasasi  
assisstenti  
Munisa Karimova 108-Tibbий  
pedagogika fakulteti  
talabasi*

# БУЮК СИЙМОЛАРНИ ЁД ЭТИБ

*Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,  
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.  
Асрлар қаъридан боқиб турибди,  
Нурли бу юзларга нуроний бир зом.*

*Шу буюк ўғилни ардоқлаб дилдан,  
Халқим таъзим этсанг аргизай тамом.  
Унинг номи билан бирга битилган,  
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.*

Хар йилги анъанага мувофиқ 9 ва 14 февраль кунлари юртимизда жумладан, бизнинг Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида буюк шоирларимизнинг таваллуд кунлари кенг нишонланиб, байрам тадбирлари ўтказилиди. Жорий йилнинг 12 февраль кунида институтимизнинг маънавият ва маърифат залида А. Навоий ва З.М. Бобурларнинг таваллуд саналарига бағишиланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Бу гўзал назм ва наво кечасини институт Ёшлар билан ишлаш проректори, доцент М.А. Ахмедова бошлаб бердилар ва йиғилгандарни байрам билан қутладилар. Сўнг сўзга «Ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедра»си мудири, филология фанлари номзоди К.Ш. Турдиева чиқиб, А. Навоий асарлари довонлар оша ўз авлодларига жуда катта дастуруламал бўлиб келаётганини айтиб, А. Навоийга аталган ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Амбулатор тиббиёти кафедраси доценти М. Деворова А. Навоийнинг ижод намуналаридан ўқиб, улкан адабий мероси ҳакида сўзладилар.

«Ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедра»си катта ўқитувчиси М.Р. Ҳамроқулова Навоий бобомиз «Даврон элининг жисмида жон бўлғон» дея улуғлаган мўътабар устозларини ва эртамиз яратувчилари, қалби қайноқ талаба ёшларни байрам тадбири билан табриклаб, тадбирни давом эттириш учун сўзни ТошПТИ 101-ДИ гурухи талаба-



ларига бердилар. Улар эса ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий бобомиз ва ўз даврининг энг дилбар шахсларидан бири бўлмиш шоир, саркарда, шоҳ Захириддин Мухаммад Бобур таваллуд айёmlарига бағишиланган байрам дастурларини намойиш этдилар.

Узок ўтмишдан, рамзий маънодаги Мир Алишер Навоий ва шоҳ Захириддин Мухаммад Бобурлар даврага таклиф этилди.

Қўлларида шам кўтарган Мир Алишер Навоий ва шоҳ Захириддин Мухаммад Бобурлар сиймосидаги талabalарнинг чиқишлиари, уларнинг ибратли сўзлари даврага ўзгача файлдаги бағишилади.

Мир Алишер Навоийнинг дунёга келиш шодиёнасига бағишиланган «Чақалоқ қулогига аzon айтиш», А. Навоий ва Гули саҳна кўринишлари ижро этилди. Ушбу лавҳалар узок мозийни ёдга солди.

Хусайн Бойқаро ва А. Навоийларнинг сиймосида чиқиб, «Яхшидан боғ қолади» номли кўринишни ижро этиб берган талabalар ёшларни чин маънода эзгуликка яхшиликка ундаши.

Сўнг кечанинг иккинчи қисми бошланди. У шоҳ, саркарда Захириддин Мухаммад Бобур мизоға бағишиланди. Туон заминининг нозиктаъ фарзанди, серқирра истеъод эгаси Захириддин Мухаммад Бобур дилбар шахс эди.

Захириддин Мухаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида табобат илми, унинг тараққиёти, ўзига ҳос жиҳатларини илмий

асосда таҳлил қилган. Шу сабабли бўлса керак, Бобур тиббиётга, табибларга алоҳида эътибор билан қараган.

Талабалар Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳакида гапирдилар. Шоир ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Захириддин Мухаммад Бобур ҳаётига назар ташласак олижаноб орзуларига, ниятларига ета олмаган, покиза қалбли инсонни кўргандек бўламиз. Шоир, шоҳ, саркарда Захириддин Мухаммад Бобур бутун умр Ватан соғинчи билан яшаб ўтди.

*Толе ўққи жонимга балолиг бўлди,  
Ҳар ишини айладим, хатолиг бўлди.*

*Ўз ерим қўйиб, Ҳинд сари юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.*

Буюк бобомиз ибрати ёшларга онаюртимизни ҳамиша асраш, ўз уйимизни, маҳалламизни, Ватанимизни доимо сергаклик билан қўриқлаб, унинг ривожига ўз ҳиссамизни қўшиш зарурлигини яна бир бор таъкидлагандек бўлиши табиий.

Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобурларнинг таваллуд айёmlарига бағишиланган байрам барча иштирокчиларга манзур бўлди, шундай буюк зотларнинг авлодлари эканлигидан ҳар бир давра иштирокчисининг қалби фурур ва ифтихорга тўлди.

**Мунира Ҳамроқулова**  
**Ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедраси катта ўқитувчиси**

## ДОНИШМАНДАН ШОГИРДИ СҮРАДИ:

- Устоз, ииқилганимни эшитсангиз, менга нима деб маслаҳат берган бўлардингиз?
- Ўрнингдан тур, деган бўлардим, — жавоб берди кекса устоз.
- Иккинчи бор ииқилсам-чи?
- Яна шу гапни айтаман.
- «Ииқилдингми, ўрнингдан тур» деган бир хил жавоб неча марта қайтарилади ўзи? — тоқатсизланди шогирд.
- То ҳаёт экансан, ииқилдингми, ўрнингдан туравер. Чунки ииқилгач, ўрнидан турмайдиганлар учун ҳаёт тамом демакдир.

## БАҲОСИ ИККИ ПИЁЛА СУВ...

Қадим замонда бойлиги билан мақтанувчи хукмдор бўлган эди. У қаерга бормасин, хазинасидан бир қисм олиб, уни бошқаларга кўз-кўз қиласар эди. Бир куни у энг ишонган олим дўстига шундай савол берди:

— Сен олимлар ичра машхур ва доносан. Мен сенинг фикрингни билмоқчиман. Менинг хукмдорлигим ва давлатим ҳақида нима дея оласан?

Олим жавоб беришининг йўлини топди ва хукмдорга шундай деди:

— Фараз қилайлик, сиз бепоён ва жазирама чўлнинг қок ўргасида турибсиз. Шу пайт томоғингиз какраб, ниҳоятда чанқадингиз. Аммо яшаб қолиш учун ярим

давлатингиз эвазига сизга бир пиёла сув узатилди. Сиз бунга рози бўлармидингиз?

— Албатта, рози бўлардим.

— Анча вақт ўтди. Чанқоқ кучайди. Қолган давлатингиз эвазига сизга яна бир пиёла сув таклиф килинди. Сиз бунга ҳам рози бўлармидингиз?

Хукмдор бир оз ўйланди ва ноилож:

— Ўлмай қолиш учун мен давлатимнинг қолганини ҳам беришга мажбурман, —деди.

Шунда олим мийигида кулиб:

— Демак, ғурурланишга ҳожат йўқ, хукмдор. Сиздаги бойликнинг баҳоси бор йўғи икки пиёла сув экан...— деди.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қуйидаги  
кафедралар лавозимларига  
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**ДОЦЕНТЛАР:** Шошилинч педиатрия, ҳалокат тиббиёти;

**КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:** Чет тиллари; Ўзбек, рус ва лотин тиллари; Патологик физиология.

**АССИСТЕНТЛАР:** Болалар юқумли касалликлари; Факультет педиатрияси; Шошилинч педиатрия, ҳалокат тиббиёти; Аnestезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси; Хирургик касалликлари; Патологик физиология; Гематология; Патологик анатомия; Оториноларингология, болалар оториноларингологияси; Болалар онкологияси; Физиология; Госпитал педиатрия №2 ноанъанавий тиббиёт асослари; Психиатрия, наркология ва болалар психиатрияси, тиббий психология, психотерапия; Фтизиатрия; Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси.

**Танлов муддати –эълон чиққан қундан 1 ой Манзилгоҳ-Богишамол кўчаси 223,  
Тош ПТИ. Автобуслар: 115,19 ТошПТИ бекати. 2019.15.02.**

 <p>САХОДАЛИК – ТУМАЙСИДЕ ЕВРОПА ВАРДА – ЙОГАСТИ СИРДИ <b>PEDIATR</b></p> <p>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТИУТА</p>	<p><b>Таҳрир кенгаши:</b> Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Хайдаров, М. Ахмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, А. Валиев, А.А. Кудайберганов, Б.М. Таджиков, С.С. Гулямов, Г. Усманова</p> <p><b>Нашр учун масъул:</b> Г. Ашурова</p>	<p><b>Бош мухаррир:</b> Б.Т. ДАМИНОВ</p> <p><b>Таҳрир ҳайъати:</b> (иши гурӯҳ)</p> <p>Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош мухаррир ўринбосари), А.М. Маннанов, Д.А. Ахмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошкармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатта олинган.</p> <p>Манзил: 700140, Тошкент-140, Богишамол кўчаси, 223</p> <p>Cho'lporon nomidagi NMU техник ва дастурларини осигурлашадиги Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха.</p> <p>Газета институт хисобидан нашр этилади ва белуп таркилади.</p>
---	--	---	--